

INVESTMENT IN THE ECONOMY AND ACTIVE INVOLVEMENT OF ADVANCED TECHNOLOGIES ARE A STABLE GUARANTEE OF CONSISTENT DEVELOPMENT OF INDUSTRIES

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10204389>

SH.M.Egamberdiyev

Abstract: *This article analyzes the organizational, economic mechanisms and specific features of the development of the industrial sector, especially the construction industry, and the expansion of the scale of investment attraction in the economy by actively attracting investment and advanced technologies. The scientific and methodological aspects of the sustainable development of industrial sectors are described.*

In the present era of globalization, the sudden changes in the world economy are affecting all developing countries. In order to be prepared for these economic changes and to ensure the stable development of the industry, it is necessary to attract foreign investments and produce competitive products. For this reason, great attention is being paid to the implementation of programmatic measures for the purposeful use of foreign investments in the development of industrial sectors of our country and its regions.

In particular, the task of further liberalization of the leading sectors of industry and the economy and completion of the transformation processes is defined in the "New Development Strategy of Uzbekistan for 2022-2026" No. PF-60 dated January 28, 2022. Specific plans for the development of industrial cooperation between large industrial sectors and regional enterprises, wide implementation of labor productivity improvement programs in industrial sectors, doubling the volume of production of construction materials have been defined. {1}

In-depth analysis of the development path of our country during the era of globalisation, as a result of the sharp changes in the world market today and the increasing competition, requires the development and implementation of a completely new approach and principles for the development of our country at a more stable and rapid pace.

In this regard, the industry in the regions of our country is developing steadily and rapidly, based on the rational policy of the leader of our country, that is, on the basis of correctly selected strategies for renewal, modernization of industry, attracting foreign investments.

ANALYSIS AND RESULTS

As a result of the investment in the economy and the active involvement of advanced technologies, the industry is developing consistently. In seven months of 2023, the volume of industrial products in our country increased by 5.7% and reached 345 trillion soums. This figure was 46 percent in the electrical engineering industry, 16 percent in the

passenger car industry, 12 percent in the building materials industry, and 11 percent in the production of ready-made clothes.

Change is happening even where things are going right. In particular, the industrial index increased by 45 percent in Bandikhon, 19 percent in Kitab, 18 percent in Kyzirig, and 14 percent in Kegeili. In 25 such districts and cities, the industrial volume increased by more than 10 percent.

In general, 2 thousand new industrial projects were launched in the country in 7 months of 2023.

For example, due to the premature commissioning of a new metallurgical plant at the "Pistali" gold mine, an additional 840 billion soums worth of products will be produced this year. About 50 million dollars worth of equipment in the factory was made in-house on the basis of industrial cooperation.

However, the opportunities are not fully used in all networks and regions. In 34 districts and cities, the volume of production of industrial products decreased compared to last year. The pace of production and export has slowed down in some industries, including pharmaceuticals, leather-footwear, and textile industries.

Each region has sufficient opportunities for the development of industrial sectors. For example, it has been determined that an additional 1 trillion soum worth of products can be produced by the end of the year due to restoration of capacities of 23 enterprises and launching of 22 new projects in "Tashloq" region.

Another possibility is to expand industrial cooperation in the districts and produce products that substitute for imports.

For example, Almaliq Mining and Metallurgical Combine has established cooperation with local industrial enterprises and receives products worth 1 trillion soums, such as polymer, cast spare parts, and chemical reagents. Similar opportunities exist in Andijan, Kashkadarya, Navoi, Samarkand and Khorezm. {2}

In the city of Bukhara of our region, and in the production of industrial products and attracting investments, pictures of stable growth are being provided.

In particular, in the city of Bukhara in 2022, the volume of production of industrial products was 2959.2 billion soums, the growth rate was 102.7 percent, the volume of regional industrial products was 1202.0 billion soums, the growth rate was 103.0 percent.

In 2022, a total of 1,257 (1,125 in 2021) industrial enterprises were registered, and 132 new industrial enterprises were established. In 2021, 296 types of industrial products were produced, and in 2022, 346 types (50 new) of industrial products were launched.

In the 7th month of 2023, 30 additional types of industrial products were launched.

By the end of 2023, the total cost in the industrial direction is 46.0 million. 40 dollar projects will be launched and 1822 new jobs will be created.

As a result, the share of small business in the industry will reach from 42.0 percent to 51.0 percent. {3}

At the same time, in other districts of our region, including Peshku, Shofirkon, Romitan districts, natural resources, i.e. existing lime, granite and other construction deposits, are not being mobilized enough to attract modern technologies in production.

Based on the above, the potential and opportunities of regional industries are being used in various ways. The positive aspect is that each region is widely attracting foreign investments for the development of industries based on its opportunities and potentials.

In our opinion, it is necessary to closely connect the representatives of state agencies and scientists of educational institutions in order to develop industrial sectors, attract investments in the sector, and effectively use economic resources. As a result, a system will be created that can compete with industrialized countries by quickly introducing innovative innovations into the industry.

The practical significance of our research is that it is considered to analyze the level of economic and social development of regions on a systematic basis through the rational use of industrial production potential in the region, through comprehensive development programs developed in regulation. In this case, it is possible to determine the existing reserves and labor and production potential not involved in production, based on it, to develop short-, medium- and long-term state, sectoral, regional programs for the comprehensive development of regions, and to determine the priority directions for deep structural changes and diversification of the economy of the regions.

If we conclude from the above, one of the important tasks of the economy is to ensure the competitiveness of the manufactured industrial products and actively attract investments to the sector. In fact, the fact that the Republic of Uzbekistan continues its industrial policy aimed at ensuring the stability of the national economy and increasing the share of industry in the gross domestic product in achieving the successes recognized by the world community is the basis for positive results.

CONCLUSIONS AND SUGGESTIONS:

In our opinion, the development of industrial sectors is one of the most important sources of economic growth, but it is not without problems. In the development of industrial sectors, it is necessary to choose a strategy with the correct use of investment policy. It is also necessary to establish industrial cooperation in each branch of industry. Today, it is necessary to develop concrete practical programs for competition in this field, while reducing product costs and achieving high profitability through the localization of industrial production in developed countries. The analyzes show that the following factors hinder the effective use of the available opportunities: - Insufficient knowledge and experience of the enterprises producing industrial products in entering the foreign market, low position in the international market; - in the process of industrial export, the participating parties do not have enough information about each other, or this information is not always complete and reliable, etc. In order to eliminate such problems and obstacles, in our opinion, it is appropriate to implement the following system of measures: - widely promote, analyze, evaluate information on the industrial policy environment of our

country, the leading sector of the national economy, industrial local sectors of companies and organizations in the international arena, and strengthen activities such as validation; - development of ICT in information services in the industrial market in our country - establishing a strategy of cooperation with foreign countries, especially aimed at the implementation of export-import cargo transportation, etc.

In conclusion, as a result of Uzbekistan's rational policy aimed at ensuring the stability of the national economy and increasing the share of industry in the gross domestic product, the share of industry in the gross domestic product is steadily increasing.

ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ БАРҚАРОР ГАРОВИ

M.S.Egamberdiyev

SH.M.Egamberdiyev

Аннотация: *Мазкур мақолада иқтисодиётга инвестиция ва илғор технологияларни фаол жалб этиб, саноат соҳаси айниқса қурилиш саноатини ривожлантириш, ва бу соҳада инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий, иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришни илмий услубий жиҳатлари баён этилган.*

Хозирги глобаллашув замонида жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган кескин ўзгаришлар иқтисодиёти ривожланаётган барча давлатларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Мазкур иқтисодий ўзгаришларга тайёр туриш ҳамда саноатни барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадидида хорижий инвестицияларни жалб қилиб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш лозим. Шу сабабли мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари саноат тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан мақсадли фойдаланиш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш вазифаси белгиланган. Бунда йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш, саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш бўйича аниқ режалар белгиланган. {1}

Жаҳон глобаллашув даврида мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат

тобора кучайиб бораётгани давлатимизни, янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришини тақозо этмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган оқилона сиёсати, яъни мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги янгиликни, саноатни модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги тўғри танланган стратегиялари асосида мамлакатимиз минтақаларида саноат барқарор ва тез суратларда ривожланмоқда.

Тахлилий ва натижалар.

Иқтисодийга инвестиция ва илғор технологиялар фаол жалб этилаётгани натижасида саноат изчил ривожланмоқда. 2023 йилнинг етти ойида юртимизда саноат маҳсулотлари ҳажми 5,7 фоизга ўсиб, 345 триллион сўмга етган. Бу кўрсаткич электр техникаси саноатида 46 фоиз, енгил автомобилларда 16 фоиз, қурилиш материаллари тармоғида 12 фоиз, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришда 11 фоизни ташкил қилган.

Иш тўғри йўлга қўйилган жойларда ҳам ўзгариш бўлмоқда. Хусусан, саноат кўрсаткичи Бандихонда 45 фоиз, Китобда 19 фоиз, Қизириқда 18 фоиз, Кегейлида 14 фоиз ўсган. Шу каби 25 та туман ва шаҳарда саноат ҳажми 10 фоиздан зиёд кўпайган.

Умуман, 2023 йилнинг 7 ойлигида мамлакатда 2 мингта янги саноат лойиҳаси ишга туширилган.

Мисол учун, “Пистали” олтин конида янги металлургия заводи муддатидан олдин қувватга киритилгани ҳисобига, шу йилнинг ўзида қўшимча 840 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Заводдаги қарийб 50 миллион долларлик ускуналар саноат кооперацияси асосида ўзимизда тайёрланган.

Лекин, ҳамма тармоқ ва ҳудудда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. 34 та туман ва шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайган. Айрим тармоқларда, жумладан, фармацевтика, чарм-пойабзал, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ва экспорт суръати секинлашган.

Ҳар бир ҳудуднинг саноат тармоқ йўналишларини ривожлантириш бўйича етарлича имкониятлари мавжуд. Мисол учун, Тошлоқ туманида 23 та корхона қувватларини тиклаш ва 22 та янги лойиҳани тезлаштириш ҳисобига йил якунигача қўшимча 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланган.

Яна бир имконият – туманларда саноат кооперациясини кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати маҳаллий саноат корхоналари билан кооперацияни йўлга қўйиб, полимер, қуйма эҳтиёт қисмлар, кимёвий реагент каби 1 триллион сўмлик маҳсулотлар олмоқда. Худди шундай имкониятлар Андижон, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Хоразмда ҳам бор. {2}

Вилоятимизнинг Бухоро шаҳрида ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва инвестицияларни жалб қилиш борасида ишлар барқарор ўсиш суратлари таъминланмоқда.

Жумладан, Бухоро шаҳрида 2022 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2959,2 млрд.сўм ўсиш суръати 102,7 фоизни, ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми 1202,0 млрд.сўм ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил этди.

2022 йилда жами 1257 та (2021 йилда 1125 та) саноат корхоналари руйхатда ўтган бўлиб, 132 та янги саноат корхоналари ташкил этилди. 2021 йилда 296 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда 346 турдаги (50 та янги) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди.

2023 йилнинг 7 ойлигида қўшимча 30 та янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди.

2023 йил якуни билан саноат йўналишида умумий қиймати 46,0 млн. доллар бўлган 40 та лойиҳалар ишга туширилиб, 1822 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Натижада кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 42,0 фоиздан 51,0 фоизга эришилади. {3}

Шу билан бирга вилоятимизнинг бошқа туманлари жумладан, Пешку, Шофиркон, Ромитан туманларидаги табиий ресурслар яъни мавжуд охак, гранит ва бошқа қурилиш конларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича имкониятлар етарли сафарбар этилмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудлар саноат тармоқлари салоҳият ва имкониятларидан ҳар ҳил фойдаланилмоқда. Ижобий жиҳати шундаки, ҳар бир ҳудуд ўз имконият ва салоҳиятларидан келиб чиқиб, саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестициялар кенг жалб қилмоқда.

Фикримизча, саноат тармоқларини ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида давлат идоралари вакиллари ва таълим муассасалари олимларини чабчарчарс боғлаш лозим. Бунинг натижасида саноат соҳасига инновацион янгиликларни тезкорлик билан киритиб бориш орқали саноати ривожланган давлатлар билан рақобатлаша оладиган тизим яратилади.

Тадқиқотимизнинг амалий аҳамияти шундаки, минтақада саноат ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланиш, тартибга солишда ишлаб чиқиладиган комплекс ривожлантириш дастурлари орқали ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ҳисобланади. Бунда мавжуд захиралар ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, унинг асосида ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли давлат, тармоқ, минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш, минтақалар иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, иқтисодиётнинг муҳим вазифаларидан - бу макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамияти тан олган муваффақиятларга эришишда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттираётгани ижобий натижаларга асос бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар: Фикримизча саноат тармоқларини ривожлантириш иқтисодиёт ўсишининг энг муҳим манбаларидан бири бўлсада, лекин муаммолардан ҳоли эмас. Саноат тармоқларини ривожлантиришда инвестиция сиёсатидан тўғри фойдаланган ҳолда стратегия танлаш зарур. Шунингдек, саноатнинг ҳар бир тармоғида саноат кооперацияларини ташкил этиш зарур. Бугунги кунда ривожланган давлатларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали маҳсулот таннархларини тушириб, юқори рентабелликка эришаётган бир пайтда мазкур соҳада рақобатлашиш бўйича аниқ амалий дастурларни ишлаб чиқиш зарур. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуйидаги бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда: - Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишда етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, халқаро бозордаги мавқеининг пастлиги; - саноат экспорти жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли бўлавермаслиги ва ҳ.к. Бу каби муаммо ва тўсқинликларни бартараф этиш учун фикримизча, қуйидаги чоратadbирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: - халқаро майдонда мамлакатимиздаги саноат сиёсати муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг саноат локал тармоқлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш кабиadbирларни кучайтириш; - мамлакатимиздаги ахборот хизматларида саноат бозори бўйича АКТ ривожлантириш - хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, айниқса денгиз йўлларига чиқиб олиш ва шу орқали экспорт-импорт юк ташувларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган оқилона олиб бораётган сиёсати натижасида саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуш барқарор ошиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 февралдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 8 сентябрда “Тармоқ ва ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этишга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилиши маълумотномаси.
3. Бухоро шаҳар ҳокимлигининг 2022-2023 йиллар макроиқтисодий статистик кўрсаткичлар йиғилиш ахборотлари

REFERENCES:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2022 No. PF-60 "On the new development strategy of Uzbekistan for 2022-2026"
2. Reference of the meeting of the video selector held under the chairmanship of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev on September 8, 2023 "On the priority tasks aimed at increasing the production of industrial products in the network and regions and the priority tasks aimed at mobilizing.
3. Information on the meeting of macroeconomic statistical indicators of Bukhara city administration for 2022-2023.